

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

87 **Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
23 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2089*

(2010 йил 2 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-б-сонга илова) ижросини таъминлаш, аҳолининг тиббий ёрдамга талабини аниқлаш, даволаш-профилактика муассасалари тизими ва таркибини режалаштириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, аҳоли табиий ўсишининг ҳақиқий ҳаракатини билиш, туғилиш ва ўлим ҳақидаги маълумотларнинг ҳақиқий эканлигини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 27 февраль,
56-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2010 йил
27 февралдаги 56-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида
туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал
ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни
бериш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

- Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотномаларни бериш тиббий муассасалар томонидан, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш эса тиббий муассасалар ва суд-тиббий экспертиза бюоролари томонидан амалга оширилади.
- Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномалар фуқаролик холати далолатномаларини қайд этиш учун фуқаролик холати далолатномаларини ёзиш органига (бундан кейинги ўринларда ФҲДЁ органи деб юритилади) тақдим этилади.
- Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномалар икки қисмдан, яъни тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюросида қоладиган ва ФҲДЁ органига юбориладиган қисмлардан иборат бўлади. Улар тартиб рақами қўйилган, вараклар сони кўрсатилган, ип ўтказиб тикилган ва тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси раҳбари томонидан имзоланиб, гербли муҳри билан тасдикланган бўлиши керак.
- Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларнинг ФҲДЁ органига юбориладиган қисмидаги маълумотлар унинг тиббий муассаса ва суд-тиббий экспертиза бюросида қоладиган қисмидаги маълумотлардан фарқ қиласлиги шарт.
- Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномалар шарикли ручкада аниқ ва тушунарли, янглишиз тўлдирилиши керак. Улардаги сўзларни ва рақамларни бўяш, ўчириш ва тузатишга йўл қўйилмайди.
- Нотўғри тўлдирилган туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларнинг олд қисми диагонал чизиқ билан чизилиб, юқори қисмiga «бузилган» белгиси қўйилади

ва кейинги тартиб рақами бўйича тегишинча туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тўлдирилади.

7. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотноманинг тиббий муассасада, шунингдек, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларнинг тиббий муассасада ва суд-тиббий экспертиза бюросида қоладиган қисми бўйича хисобот ушбу муассасалар раҳбари томонидан тайинланган жавобгар шахс томонидан юритилади.

8. Тиббий хужжатларга асосланмаган холда туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни сиртдан тўлдирилиши, шунингдек уларда умумий кўрсатма, ташхис ва касаллик белгилари кўрсатилиши ман этилади.

II. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотномани бериш

9. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома туғруқ содир бўлган тиббий муассасалар томонидан барча тирик туғилиш ҳолларида берилади. Бунда, туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома ушбу тиббий муассаса шифокори, бир нафар шифокор ишлайдиган тиббий муассасада шифокор бўлмаган (мехнат таътили, касаллик туфайли ва бошқа сабаблар) холларда туғруқни қабул қилган фельдшер ёки акушер томонидан берилади.

10. Тиббий муассасадан ташқари жойларда тиббий ёрдамсиз туғилган болага туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотнома худуд шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан берилади. Бунда, туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотномани беришга боланинг шу онадан туғилганлигини тасдиқловчи камида иккита гувоҳ иштироқида тузилиб, худуд шифокори (фельдшер ёки акушер) томонидан тасдиқланган далолатнома асос бўлиб хисобланади. Далолатномада гувоҳларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатларига оид маълумотлар кўрсатилиши ва уларнинг кўрсатмалари ўз имзолари билан тасдиқланиши шарт.

11. Эгизак (икки ва ундан ортиқ) болалар туғилганда уларнинг ҳар бири учун алоҳида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома берилади.

12. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотноманинг барча бандлари болава унинг онаси ҳақидаги маълумотлар зарур катакларга киритилган ёки тегишли белгиларнинг тагига чизилган холда, бундай маълумотлар бўлмаганда тегишли бандларга «номаълум» ёзуви киритилган холда мазкур Йўрикноманинг 1-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

13. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома туғруқни қабул қилган шифокор (фельдшер ёки акушер) томонидан имзоланиб, тиббий муассасанинг гербли мухри билан тасдиқланади.

14. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома туғилган боланинг отонаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, қўшнилари, тибиёт муассасалари маъмурияти ва бошқа манфаатдор шахсларга берилиши мумкин. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотномани олган шахснинг

ушбу маълумотноманинг тиббий муассасада қоладиган қисмига уни олган-лигини тасдиқловчи имзоси қўйилади.

15. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда манфаатдор шахснинг ёзма аризасига кўра «дубликат» белгиси қўйилган янги туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома берилиши мумкин.

III. Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш

16. Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома бола ўлик туғилганда ёки ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган (перинатал ўлим) ҳолларда тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан тўлдирилади.

17. Эгизак (икки ва ундан ортиқ) болаларда перинатал ўлим юз берган ҳолларда уларнинг ҳар бири учун перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома алоҳида тўлдирилади.

18. Перинатал ўлим юзага келган барча ҳолларда ўлим сабабини аниқлаш учун бола мурдасини ёриш жараёни ўтказилади.

19. Тиббий муассасада перинатал ўлим ҳолатлари юзага келганда ўлим сабабини аниқлаш учун бола мурдаси ушбу тиббий муассасанинг патологоанатомик бўлимида ёрилиб, текширилади (кейинги ўринларда патологоанатомик текширув деб юритилади). Тиббий муассасада патологоанатомик бўлим мавжуд бўлмаганда бола мурдасининг патологоанатомик текшируви ушбу муассаса раҳбарининг кўрсатмасига асосан тиббий муассасага бириктирилган марказлаштирилган патологоанатомик бўлимда ўтказилади.

20. Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома туғруқни қабул қилган ёки болани даволаган шифокор томонидан патологоанатомик текширув натижаси бўйича тузилган хulosса ҳамда онанинг ҳомиладорлиги ва туғруқ давридаги касалликлари, боланинг касалликлари ҳақидаги маълумотлари кўрсатилган тиббий ҳужжатлари (туғруқ тарихи, чақалоқни ривожлантириш тарихи) асосида тўлдирилади. Бунда, бир нафар шифокор ишлайдиган тиббий муассасада шифокор бўлмаган (мехнат таътили, касаллик туфайли ва бошқа сабаблар) ҳолларда перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ушбу муассаса фельдшери томонидан тўлдирилади.

21. Тиббий муассасадан ташқари жойларда ёки тиббий ёрдамсиз ўтказилган туғруқ натижасида ўлик бола туғилган ёки шифокор (фельдшер ёки акушер) кузатмаган бола ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган ҳолларда, шунингдек зўраки ўлим ёки унга гумон бўлган ҳолларда суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан ўлим сабабини аниқлаш бўйича ўтказилган экспертиза хulosасига асосан перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тўлдирилади.

22. Бола тирик туғилиб, сўнг перинатал ўлим содир бўлган ҳолда туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома ҳамда перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тўлдирилади.

23. Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ФХДЁ органига «яку-

ний» белгиси билан юборилади. Агар боланинг ўлими сабабини аниқлаш максадида патологоанатомик текширув ёки суд-тиббий экспертизаси бўйича қўшимча текширувлар (гистологик, бактериологик, вирусологик ва бошка шу каби муддатли текширувлар) ўтказиш зарурати юзага келса, тиббий муассаса шифокори ёки суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти томонидан бола ўлими сабабининг дастлабки ташхисига асосан перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома «дастлабки» белгиси қўйилган ҳолда ФХДЁ органига юборилиши мумкин.

Бундай ҳолларда патологоанатомик текширув ёки суд-тиббий экспертизасининг қўшимча текширув натижалари бўйича тузилган хулосасига асосан тиббий муассаса шифокори ёки суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти томонидан боланинг ўлими сабаби аниқлаштирилган ҳолда «____-сон дастлабкини ўрнига» белгиси қўйилган янги перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тўлдирилиб, ушбу гувоҳнома тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси раҳбари томонидан имзоланиб, гербли мухр билан тасдиқлаган кузатув хатига илова қилинган ҳолда «дастлабки» белгиси қўйилган перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома юборилган ФХДЁ органига тақдим этилади ва бу ҳақда манфаатдор шахсга маълум қилинади.

24. Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тегишли тури (якуний, дастлабки, ____-сон дастлабкини ўрнига)нинг тагига чизик тортилган ҳолда, барча бандларига бола ва унинг онаси ҳақидаги маълумотлар тегишли катакларга киритилган (зарурий белгиларни тагига чизилган) ҳолда, бундай маълумотлар бўлмаганда тегишли бандларга «номаълум» ёзуви киритилган ҳолда, «кодлар учун жой» устунида эса «X» қайта кўрикдан ўтказилган Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х) бўйича асосий касаллик кодлари кўрсатилган ҳолда мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

25. Ўлик туғилган ёки ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган боланинг мурдаси талаб қилиб олинмаган ҳолларда уларни дафн этиш тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан амалга оширилади.

26. Ўлик туғилган ёки ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида ўлган болаларнинг туғилганлиги ва ўлими тиббий муассаса жойлашган жойдаги ФХДЁ органида қайд этилади.

27. Перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома уни тўлдирган шифокор (фельдшер) ёки суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти томонидан имзоланиб, тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюросининг гербли мухри билан тасдиқланади.

28. ФХДЁ органида перинатал ўлим ҳолатини қайд қилинишини таъминлаш перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома берилган тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан тайинланган жавобгар шахс зиммасига юклатилади. Бунда, ФХДЁ органлари томонидан перинатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳноманинг тиббий муассасада ёки суд-тиббий экспертиза бюросида қоладиган қисмига перинатал ўлим қайд этилганлиги ҳақида тегишли маълумотлар киритилади.

IV. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш

29. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ҳар бир ўлим ҳолларида тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан берилади.

30. Тиббий муассасада ўлим ҳоллари юзага келганда ушбу муассаса шифокори томонидан бемор соғлигини кузатиш натижалари, унинг ўлимигача бўлган соғлиги ҳолатини батафсил ёритувчи тиббий ҳужжатларга ёки патологоанатомик текширув хулосасига асосланиб, ўлим сабабини аниқланган ҳолда ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома берилади. Бунда, бир нафар шифокор ишлайдиган тиббий муассасада шифокор бўлмаган (мехнат таътили, касаллик туфайли ва бошқа сабаблар) ҳолларда ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ушбу муассаса фельдшери томонидан берилади.

31. Тиббий муассасадан ташқари жойларда ўлим содир бўлган ҳолларда мурданинг патологоанатомик текшируви ёки суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши талаб қилинмаса (диспансер назоратида турганда, ўлимнинг аниқ ташхиси маълум бўлганда) ҳудуд шифокори томонидан мурда кўрикдан ўтказилиб, унинг ўлимигача бўлган соғлиги ҳолатини ёритувчи тиббий ҳужжатларга асосан ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома берилади. Бунда, бир нафар участка шифокори ишлайдиган тиббий муассасада участка шифокори бўлмаган (мехнат таътили, касаллик туфайли ва бошқа сабаблар) ҳолларда ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ушбу муассаса фельдшери томонидан берилади.

32. Зўраки ўлим ёки унга гумон бўлган ҳолларда ўлим сабаби аниқланиши суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан амалга оширилганда ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ушбу буюро эксперти томонидан берилади.

33. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома марҳумнинг қариндошлари ёки яқин кишилари, тиббий муассаса маъмурияти ва бошқа манфаатдор шахсларга берилиши мумкин. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномани олган шахснинг ушбу гувоҳноманинг тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюросида қоладиган қисмига уни олганлигини тасдиқловчи имзоси қўйилади.

34. Мурданинг патологоанатомик текшируви ёки суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши талаб қилинган ҳолларда мурдани ёриб текширмасдан тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан бериб юборилиши тақиқланади.

35. Талаб қилиб олинмаган мурдаларни дафн этиш тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан амалга оширилади. Бу ҳолда ФХДЁ органида ўлим ҳолатини қайд қилинишини таъминлаш ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномани берган тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан тайинланган жавобгар шахс зиммасига юклатилади.

36. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ФХДЁ органига «якуний» белгиси билан юборилади. Агар ўлимнинг сабабини аниқлаш мақсадида патологоанатомик текширув ёки суд-тиббий экспертизаси бўйича қўшимча текширувлар (гистологик, бактериологик, вирусологик ва бошқа шу каби муддатли текширувлар) ўтказиш зарурати юзага келса, тиббий муассаса шифокори ёки суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти томонидан ўлим сабабининг

дастлабки ташхисига асосан ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома «дастлабки» белгиси қўйилган ҳолда ФХДЁ органига юборилиши мумкин.

Бундай ҳолларда патологоанатомик текширув ёки суд-тиббий экспертизасининг қўшимча текширув натижалари бўйича тузилган хуносасига асосан тиббий муассаса шифокори ёки суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти томонидан ўлимнинг сабаби аниқлаштирилган ҳолда «_____сон дастлабкини ўрнига» белгиси қўйилган янги ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тўлдирилиб, ушбу гувоҳнома тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюроси раҳбари томонидан имзоланиб, гербли мухр билан тасдиқлаган кузатув хатига илова қилинган ҳолда «дастлабки» белгиси қўйилган ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома юборилган ФХДЁ органига жўнатилади ва бу ҳақда манфаатдор шахсга маълум қилинади.

37. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тегишли тури (якуний, дастлабки, «_____сон дастлабкини ўрнига»)нинг тагига чизик тортилган ҳолда, барча бандларига ўлим ҳақидаги маълумотлар тегишли катакларга киритилган (тегишли белгиларнинг таги чизилган) ҳолда, бундай маълумотлар бўлмаганда тегишли бандларга «номаълум» ёки «аниқланмаган» ёзуви киритилган ҳолда, «кодлар учун жой» устунида эса «X» қайта кўрикдан ўтказилган Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х) бўйича асосий касаллик кодлари кўрсатилган ҳолда мазкур Йўриқноманинг З-иловасига мувофиқ тўлдирилади.

38. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома уни тўлдириган шифокор (фельдшер) ёки суд-тиббий экспертиза бюроси эксперти томонидан имзоланиб, тиббий муассаса ёки суд-тиббий экспертиза бюросининг гербли мухри билан тасдиқланади.

39. Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома ўйқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда манфаатдор шахснинг ёзма аризасига кўра «дубликат» белгиси қўйилган янги ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома тўлдирилиб берилиши мумкин.

40. Мурдани ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномасиз бериш тақиқланади.

V. Якуний қоидалар

41. Туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларнинг берилганлиги ҳақидаги маълумотлар тегишли тиббий хужжатларда (касаллик тарихи, туғруқ тарихи ва бошқаларда) кўрсатилиши лозим.

42. Тиббий муассаса ва суд-тиббий экспертиза бюроси раҳбари туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни аниқ ва тўғри тўлдирилиши ва уларнинг ФХДЁ органига ўз вактида юборилиши устидан назорат қилишлари шарт.

43. Мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда тасдиқланмаган шаклдаги туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларнинг тўлдирилиши ва берилиши тақиқланади.

44. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

2010 йил 25 февраль

Б. ТЎРАЕВ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси CCB	Ўз.Р ССВ 2010 йил 27 февралдаги 56-сон буйруқ билан тасдиқланган 103/у-сон шаклдаги тиббий ҳужжат
Муассаса номи	

**ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМАНИНГ
ҚИРҚИЛАДИГАН ҚИСМИ ____ -сон**

(Тиббий муассасада қолади)

Берилган санаси «____»_____ 20____ йил

1. Онасининг фамилияси, исми, ота исми: _____

2. Онасининг доимий яшаш жойи: Давлат _____
вилоят (шахар) _____ туман (шахар) _____
шахарча (қишлоқ, овул) _____ кўча _____
үй ____ хона ____

3. Онасининг туғилган санаси: кун _____ ой _____ йил _____

4. Онасининг миллати _____ фуқаролиги _____

5. Онасининг оиласвий аҳволи: никоҳда турари — 1, никоҳда турмаган — 2, бева — 3, ажрашган — 4

6. Онасининг маълумоти: олий — 1, тўлиқсиз олий — 2, ўрта маҳсус, касб-хунар — 3, умумий ўрта — 4, тўлиқсиз ўрта — 5, маълумотсиз — 6

7. Боланинг туғилган санаси ва вақти: кун ____ ой ____ йил ____
соат ____ дақиқа ____

8. Боланинг туғилган жойи (шифохона, уй, бошқа жой):

Давлат _____ вилоят (шахар) _____
туман (шахар) _____ шахарча (қишлоқ, овул) _____
кўча _____ уй ____ хонадон ____

9. Боланинг исми: _____

10. Боланинг жинси: эркак — 1, аёл — 2, номаълум — 3
 11. Бола ҳомиладорликнинг _____ тўлиқ хафтасида туғилди.
 12. Нечанчи ҳомиладорлик _____ тугруқ _____
 13. Ҳисоб бўйича онанинг неchanчи боласи _____
 14. Бола туғилди: бир ҳомилаликдан — 1, эгизакнинг биринчиси — 2, эгизакнинг иккинчиси — 3, бошқа кўп ҳомилаликдан — 4
 15. Боланинг туғилган пайтдаги вазни _____ грамм,
 бўйи _____ сантиметр
 16. Апгар шкаласи бўйича баҳо:
 1 дақиқадан сўнг — 0 — 3 балл, 4 — 6 балл, 7 — 10 балл,
 5 дақиқадан сўнг — 0 — 3 балл, 4 — 6 балл, 7 — 10 балл,
 17. Тирик туғилганлик мезонлари: нафас — 1, юрак уриши — 2,
 киндик пульсацияси — 3, мускулларнинг беихтиёрий қисқариши — 4,
 18. Туғилганлик ҳақида маълумотнома берган шифокорнинг (фельдшер
 ёки акушер) фамилияси, исми, ота исми: _____
 _____ имзоси _____
 19. Маълумотнома олган шахснинг фамилияси, исми, ота исми: _____
 _____ имзо _____
-
-

Ўзбекистон Республикаси CCB	Ўз.Р ССВ 2010 йил 27 февралдаги 56-сон буйруқ билан тасдиқланган 103/у-сон шаклдаги тиббий хужжат
Муассаса номи	

ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМА _____-сон

(ФХДЁ органларида қайд этиш учун берилади)
 Берилган санаси «____» 20 ____ йил

1. Онасининг фамилияси, исми, ота исми: _____
2. Онасининг доимий яшаш жойи: Давлат _____
 вилоят (шаҳар) _____ туман (шаҳар) _____
 шаҳарча (қишлоқ, овул) _____ кўча _____
 уй ____ хонадон ____
3. Онасининг туғилган санаси: кун _____ ой _____ йил _____
4. Онасининг миллати _____ фуқаролиги _____
5. Онасининг оиласиий ахволи: никоҳда туради — 1, никоҳда
 турмаган — 2, бева — 3, ажрашган — 4
6. Онасининг маълумоти: олий — 1, тўлиқсиз олий — 2, ўрта маҳсус,
 касб-хунар — 3, умумий ўрта — 4, тўлиқсиз ўрта — 5, маълумотсиз — 6

7. Туғилган санаси ва вакти: кун ____ ой ____ йил ____ соат ____ дақиқа ____
8. Туғилган жойи (шифохона, уй, бошқа жой):
Давлат _____ вилоят (шахар) _____
туман (шахар) _____ шаҳарча (қишлоқ, овул) _____
кўча _____ уй ____ хонадон ____
9. Боланинг исми: _____
10. Боланинг жинси: эркак — 1, аёл — 2, номаълум — 3
11. Бола ҳомиладорликнинг _____ тўлиқ ҳафтасида туғилди.
12. Нечанчи ҳомиладорлик _____ туғрук _____
13. Ҳисоб бўйича онанинг неchanчи боласи _____
14. Бола туғилди: бир ҳомилаликдан — 1, эгизакнинг биринчиси — 2, эгизакнинг иккинчиси — 3, бошқа кўп ҳомилаликдан — 4
15. Боланинг туғилган пайтдаги вазни _____ грамм,
бўйи _____ сантиметр
16. Тирик туғилганлик мезонлари: нафас — 1, юрак уриши — 2,
киндиқ пульсацияси — 3, мускулларнинг беихтиёрий қисқаришлари — 4
17. Туғилганлик ҳақида маълумотнома берган шифокор (фельдшер ёки акушер)нинг фамилияси, исми, ота исми:
_____ имзоси _____

Соғлиқни сақлаш муассасаси
Гербли муҳри

Туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома
берган шахснинг имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси соғликни саклаш муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ССВ	Ўз.Р ССВ 2010 йил 27 февралдаги 56-сон буйруқ билан тасдиқланган 106-2/ҳ-сон шаклдаги тиббий ҳужжат
Муассаса номи	

**ПЕРИНАТАЛ ЎЛИМ ҲАҚИДАГИ ТИББИЙ
ГУВОҲНОМАНИНГ ҚИРҚИЛАДИГАН
ҚИСМИ _____-сон**

(якуний, дастлабки, _____-сон дастлабкини ўрнига)
Берилган санаси «_____» 20____ й.

(Соғликни саклаш муассасаси номи)

Ўлик туғилган — 1, ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган — 2

1. Онанинг фамилияси, исми, ота исми: _____

2. Онанинг туғилган санаси: кун _____ ой _____ йил _____

3. Онанинг миллати _____ фуқаролиги _____

4. Онасининг оиласвий аҳволи: никоҳда туради — 1, никоҳда турмайди — 2, бева — 3, ажрашган — 4

5. Ўлган (ўлик туғилган) бола онасининг доимий яшаш жойи:

Давлат _____ вилоят (шаҳар) _____

туман (шаҳар) _____ шаҳарча (қишлоқ, овул) _____

кўча _____ уй _____ хонадон _____

6. Онасининг иш жойи (агар ишламаса, кимнинг қармоғида эканлиги кўрсатилсан): _____

7. Мансаби ёки бажарадиган иши: _____

8. Онасининг маълумоти: олий — 1, тўлиқсиз олий — 2, ўрта махсус, касб-хунар — 3, умумий ўрта — 4, тўлиқсиз ўрта — 5, маълумотсиз — 6

9. Ўлган боланинг фамилияси, исми, ота исми: _____

10. Боланинг жинси: эркак — 1, аёл — 2, номаълум — 3

11. Туғилган (ўлик туғилиш) вақти: кун _____ ой _____ йил _____

соат _____ дақиқа _____

12. Ўлган вақти: кун _____ ой _____ йил _____ соат _____
дақиқа _____

13. Ўлим (ўлик туғилиш) содир бўлган жой (шифохона, уй, бошқа жой):

Давлат _____ вилоят (шаҳар) _____

туман (шаҳар) _____ шаҳарча (қишлоқ, овул) _____

- кўча _____ уй _____ хонадон _____
14. Бола ҳомиладорликнинг тўлиқ _____ ҳафтасида туғилди.
15. Нечанчи ҳомиладорлик _____ туғруқ _____
16. Ҳисоб бўйича онанинг неchanчи боласи _____
17. Аввалги ҳомиладорликлардан: тирик туғилишлар сони — 1, ўлик туғилишлар — 2, ўз-ўзидан ҳомила тушиши — 3, тиббий аборт — 4, шу жумладан тиббий кўрсатмалар билан — 5
18. Аввалги ҳомиладорликлардан охиргиси тугалланди: тирик туғилган бола билан — 1, ўлик туғилиш билан — 2, ўз-ўзидан ҳомила тушиши билан — 3, тиббий аборт билан — 4, шу жумладан тиббий кўрсатмага биноан — 5
19. Шифокор (фельдшер, акушер)га қатновлар сони _____
20. Туғруқни қабул қилди: шифокор — 1, акушер — 2, фельдшер — 3, бошқа шахс — 4,
21. Бола (ҳомила) туғилди: бир ҳомилаликдан — 1, эгизакнинг биринчиси — 2, эгизакнинг иккинчиси — 3, бошқа кўп ҳомилаликдан — 4
22. Бола (ҳомила) туғилди: етилган — 1, етилмаган — 2, ўтиб кетган — 3
23. Бола (ҳомила) туғилди: мазерацияланган — 1, асфиксияда — 2
24. Бола (ҳомила)нинг туғилгандаги вазни _____ грамм
25. Бола (ҳомила)нинг бўйи _____ сантиметр
26. Тирик туғилганлик мезонлари: нафас — 1, юрак уриши — 2, киндик пульсацияси — 3, мускулларнинг беихтиёрий қискаришлари — 4
27. Бола (ҳомила)нинг ўлими содир бўлди: туғруқ фаолияти бошлангунга қадар — 1, туғруқ даврида — 2, туғруқдан сўнг — 3, номаълум — 4
28. Бола (ҳомила)нинг ўлими юз берди: касалликдан — 1, баҳтсиз ходисадан — 2, қотилликдан — 3, ўлим сабаби аниқланмаган — 4 (тагига чизилсин)
29. Апгар шкаласи бўйича баҳо:
- 1 дақиқадан сўнг — 0 — 3 балл, 4 — 6 балл, 7 — 10 балл,
 5 дақиқадан сўнг — 0 — 3 балл, 4 — 6 балл, 7 — 10 балл,
30. Перинатал ўлим сабаби:
- а) Бола (ҳомила)нинг ўлимига сабаб бўлган асосий касаллик ёки ҳолат (битта касаллик кўрсатилади) _____
- б) Бола (ҳомила)нинг бошқа касалликлари ёки ҳолати _____
- в) Бола (ҳомила)нинг ўлими сабабига олиб келган она (йўлдош)нинг асосий касаллiği ёки ҳолати _____
- г) Бола (ҳомила)нинг ўлими сабабига олиб келган она (йўлдош)нинг бошқа касалликлари ёки ҳолатлари _____
- Ўлим ҳақида гувоҳнома берган шифокор (фельдшер, акушер) фамилияси, исми, ота исми _____

Туғилиш хақидаги далолатнома ёзуви: ____-сон «____» ____ 20__ йил
 Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви: ____-сон «____» ____ 20__ йил

ФХДЁ бўлими номи _____

Сана «___» ____ 20 __ й.

ФХДЁ органи мутахассиси
имзоси _____

Ўзбекистон Республикаси CCB	Ўз.Р ССВ 2010 йил 27 февралдаги 56-сон буйруқ билан тасдиқланган 106-2/ҳ-сон шакл- даги тиббий ҳужжат
Муассаса номи	

**ПЕРИНАТАЛ ЎЛИМ ҲАҚИДАГИ ТИББИЙ
ГУВОҲНОМА _____-сон**

(ФХДЁ органларида қайд этиш учун берилади)
(якуний, дастлабки _____-сон дастлабкини ўрнига)
Берилган санаси «___» ____ 20__ й.

Код учун жой	<p>Ўлик туғилган — 1, ҳаётининг биринчи ҳафтасида ўлган — 2</p> <p>1. Ўлганнинг фамилияси, исми, ота исми: _____</p> <p>2. Боланинг жинси: эркак — 1, аёл — 2, номаълум — 3</p> <p>3. Туғилган вақти: кун _____ ой _____ йил _____ соат _____ дақиқа _____</p> <p>4. Ўлим вақти: кун _____ ой _____ йил _____ соат _____ дақиқа _____</p> <p>5. Ўлим (ўлик туғилиш) содир бўлган жой (шифохона, уй, бошقا жой): Давлат _____ вилоят (шаҳар) _____ туман (шаҳар) _____ шаҳарча (қишлоқ, овул) _____ кўча _____ уй _____ хонадон _____</p> <p>6. Онасининг фамилияси, исми, ота исми: _____</p> <p>7. Онанинг туғилган санаси: кун _____ ой _____ йил _____</p> <p>8. Онанинг миллати — _____ фуқаролиги — _____</p> <p>9. Оиласвий аҳволи: никоҳда туради — 1, никоҳда турмайди — 2 Никоҳда турадиганлар учун: никоҳ қайд этилган вақт: кун _____ ой _____ йил _____ эрининг фамилияси, исми, ота исми _____</p> <p>Ушбу маълумотлар — она паспорти ёзувларига асосан; она сўзларига асосан тўлдирилди (тагига чизилсан)</p> <p>10. Ўлган бола (ўлик туғилган) онасининг доимий яшаш жойи: Давлат _____ вилоят (шаҳар) _____ туман (шаҳар) _____ шаҳарча (қишлоқ, овул) _____ кўча _____ уй _____ хонадон _____</p>
-----------------	--

11. <input type="text"/>	11. Онасининг маълумоти: олий — 1, тўлиқсиз олий — 2, ўрта маҳсус, касб-хунар — 3, умумий ўрта — 4, тўлиқсиз ўрта — 5, маълумотсиз — 6
12. <input type="text"/>	12. Онасининг иш жойи (агар ишламаса, кимнинг қарамогида эканлиги кўрсатилсин) _____ Мансаби ёки бажарадиган иши _____
13. <input type="text"/>	13. Нечанчи ҳомиладорлик _____ тугруқ _____
14. <input type="text"/>	14. Ҳисоб бўйича онанинг неchanчи боласи _____
15. <input type="text"/>	15. Бола ҳомиладорликнинг тўлиқ _____ ҳафтасида туғилди.
16. <input type="text"/>	16. Тугруқни қабул қилди: шифокор — 1, акушер — 2, фельдшер — 3, бошқа шахс — 4 Тугруқни қабул қилган шахс фамилияси, исми, ота исми: _____
17. <input type="text"/>	17. Бола (ҳомила) туғилди: бир ҳомилалиқдан — 1, эгизакнинг биринчиси — 2, эгизакнинг иккинчиси — 3, бошқа кўп ҳомилалиқдан — 4
18. <input type="text"/>	18. Бола (ҳомила)нинг туғилгандаги вазни _____ грамм
19. <input type="text"/>	19. Бола (ҳомила)нинг бўйи _____ сантиметр
20. <input type="text"/>	20. Бола (ҳомила) туғилди: етилган — 1, етилмаган — 2, ўтиб кетган — 3
21. <input type="text"/>	21. Бола (ҳомила) туғилди: мацерацияланган — 1, асфиксияда — 2
22. <input type="text"/>	22. Бола (ҳомила)нинг ўлими содир бўлди: тугруқ фаолияти бошлангунга қадар — 1, тугруқ даврида — 2, тугруқдан сўнг — 3, номаълум — 4
23. <input type="text"/>	23. Бола (ҳомила)нинг ўлими юз берди: касалликдан — 1, баҳтсиз ҳодисадан — 2, қотилликдан — 3, ўлим сабаби аниқланмаган — 4
24. <input type="text"/>	24. Перинатал ўлим сабаби: а) бола (ҳомила)нинг ўлимига сабаб бўлган асосий касаллиги ёки ҳолати (битта касаллик кўрсатилади) _____ б) бола (ҳомила)нинг бошқа касалликлари ёки ҳолатлари _____ в) бола (ҳомила)нинг ўлими сабабига олиб келган она (йўлдош)нинг асосий касаллиги ёки ҳолати _____ г) бола (ҳомила)нинг ўлими сабабига олиб келган она (йўлдош)нинг бошқа касалликлари ёки ҳолатлари _____ д) бошқа ҳамроҳ касалликлар _____
25. <input type="text"/>	25. Ўлим (ўлик туғилиш) сабаби аниқланди: а) ўлимни қайд этган шифокор томонидан — 1, тугруқни қабул қилган шифокор томонидан — 2, болани даволаган педиатр томонидан — 3, патологоанатом томонидан — 4, суд-тиббий эксперти томонидан — 5, акушер томонидан — 6, фельдшер томонидан — 7 Куйидагича асосда: мурдани кўргиги — 1, тиббий ҳужжатидаги ёзуви — 2, аввалги кузатувлар — 3, мурдани ёриш — 4
26. <input type="text"/>	26. Гувоҳнома берган шахснинг мансаби, фамилияси, исми, ота исми: _____ имзоси _____ Муассаса номи _____ Муассаса раҳбари _____ Гербли муҳр ўрни

Ўзбекистон Республикаси соғликни саклаш
муассасаларида туғилганлик ҳақидаги тиббий
маълумотнома, перинатал ўлим ва ўлим
ҳақидаги тиббий гувоҳномаларни бериш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси ССВ	Ўз.Р ССВ 2010 йил 27 февралдаги 56-сон буйруқ билан тасдиқланган 106/х-сон шаклдаги тиббий хужжат
Муассаса номи	

**ЎЛИМ ҲАҚИДАГИ ТИББИЙ ГУВОҲНОМАНИНГ
ҚИРҚИЛАДИГАН ҚИСМИ _____-сон**
(якуний, дастлабки, _____-сон дастлабкини ўрнига)
Берилган санаси «_____» 20__ й.

1. Ўлган шахснинг фамилияси, исми, ота исми: _____

2. Ёши _____

3. Ўлган вақти: кун _____ ой _____ йил _____

4. Ўлган жой (шифохона, уй, бошқа жой): Давлат _____
вилоят (шахар) _____ туман (шахар) _____
шахарча (қишлоқ, овул) _____ кўча _____ уй _____
хонадон _____

5. Ўлганинг доимий яшаш жойи: Давлат _____ вилоят
(шахар) _____ туман (шахар) _____ шахарча
(қишлоқ, овул) _____ кўча _____ уй _____ хонадон _____

6. 7 кундан 1 ёшгача бўлган ёшдаги ўлган болалар учун:

а) туғилган санаси: кун ____ ой ____ йил ____ туғилгандаги вазни
грамм, бўйи ____ сантиметр, ҳомиладорликнинг ____ ҳафтаси
б) туғилган жойи: Давлат _____ вилоят (шахар) _____ туман (шахар) _____ шахарча
(қишлоқ, овул) _____ кўча _____ уй _____ хонадон _____
с) онасининг фамилияси, исми, ота исми: _____

7. Ўлим ҳақидаги гувоҳномани берган шифокор (фельдшер, акушер)нинг
фамилияси, исми, ота исми: _____

«____» _____ 20__ й. Олувчининг имзоси: _____

Ўлим сабаби: I а) _____
б) _____
в) _____
II _____

Ўзбекистон Республикаси ССВ	Ўз.Р ССВ 2010 йил 27 февралдаги 56-сон буйруқ билан тасдиқланган 106/ҳ-сон шаклдаги тиббий ҳужжат
--------------------------------	---

ЎЛИМ ҲАҚИДАГИ ТИББИЙ ГУВОХНОМА _____-сон

(ФХДЁ органларида қайд этиш учун берилади)
 (якуний, дастлабки, _____-сон дастлабкини ўрнига)
 Берилган санаси «____» _____ 20____ й.

Код учун жой	<p>1. Ўлганнинг фамилияси, исми, ота исми: _____</p> <p>2. Жинси: эркак — 1, аёл — 2</p> <p>3. Туғилган сана: кун _____ ой _____ йил</p> <p>4. Ўлган вақти: кун _____ ой _____ йил</p> <p>5. 7 кундан 1 ёшгача бўлган ёшдаги ўлган болалар учун: етилган ҳомила — 1, етилмаган ҳомила — 2, туғилгандаги вазни _____ грамм, бўйи _____ сантиметр, ҳомиладорлик _____ ҳафтаси</p> <p>6. Аёл ўлими ҳолатларида ҳомиладорлик, тугруқ, тугруқдан кейинги 42 кунгacha бўлган давр (тагига чизилсин): ҳа — 1, йўқ — 0</p> <p>7. Ўлганнинг доимий яшаш жойи: Давлат _____ вилоят (шаҳар) _____ туман (шаҳар) _____ шаҳарча (қишлоқ, овул) _____ кўчча _____ уй _____ хонадон _____</p> <p>8. Ўлим (ўлик туғилиш) содир бўлган жой (шифохона, уй, бошқа жой): Давлат _____ вилоят (шаҳар) _____ туман (шаҳар) _____ шаҳарча (қишлоқ, овул) _____ кўчча _____ уй _____ хонадон _____</p> <p>9. Ўлим содир бўлди: касалликдан — 1, ишдан ташқари баҳтсиз ҳодисадан — 2, иш фаолияти туфайли баҳтсиз ҳодисадан — 3, қотиллик — 4, ўзини ўзи ўлдириш — 5, ўлим сабаби аниқланмаган — 6</p> <p>10. Ўлим сабаби фақат ўлимни қайд этган шифокор томонидан аниқланган — 1, ўлган беморни даволаган шифокор томонидан — 2, патологоанатом томонидан — 3, суд-тиббий эксперти томонидан — 4, фельдшер (акушер) томонидан — 5</p> <p>11. Мен, шифокор (фельдшер, акушер) _____ <small>(фамилияси, исми, отасининг исми, мансаби)</small></p> <p>шу ҳақда таъкидлайманки, мурдани кўрувга — 1, тиббий ҳужжатдаги даволовчи шифокор ёзувларига — 2, олиб борилган кузатувларга — 3, мурдани ёриб кўришга — 4 асосланиб, қуйидаги ўлимга олиб келувчи патологик жараён тартиби ва ўлим сабаби аниқланди:</p>
-----------------	---

Ўлим асосий сабаби бўйича XKT-10 Коди	<p>Ўлим сабаби*: I. Бевосита ўлимга олиб келган касаллик ёки ҳолат, ҳодисалар тартиби кўрсатилган ҳолда (ўлімнинг асосий сабаби охирги ўринда кўрсатилади):</p> <p>a) _____ (бевосита ўлим сабаби)</p> <p>б) _____ (келиб чиққан асорат ёки келиб чиққан натижа)</p> <p>в) _____ (асосий ўлим сабаби)</p> <p>II. Ўлімга олиб келган касаллик ёки патологик ҳолатга боғлиқлиги йўқ бироқ унга имкон яратган бошқа аҳамиятли ҳолатлар: _____</p>				
12. <input type="text"/>	<p>* Таихис ёзувидаги қисқартиришилар ишлатили мумкин эмас.</p> <p>12. Бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ёки жароҳат туфайли бўлган ўлим ҳолатларида:</p> <p>а) жароҳат (заҳарланиш) вақти: кун ____ ой ____ йил ____ б) меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бахтсиз ҳодисаларда жароҳат турлари: майший — 1, кўчада (автотранспортдан ташқари) — 2, автотранспортдан — 3, мактабда — 4, спортдан — 5, бошқалар — 6 в) жароҳат (заҳарланиш) содир бўлган жой ва вазият (батафсил кўрсатилсин) _____</p>				
13. <input type="text"/>	<p>13. Тиббий гувоҳнома берилди (тиббий муассаса номи кўрсатилсин): _____</p> <table style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 50%;">Соғлиқни сақлаш муассасаси</td> <td style="width: 50%;">Гувоҳнома берган шахснинг имзоси _____</td> </tr> <tr> <td>Гербли муҳри</td> <td></td> </tr> </table>	Соғлиқни сақлаш муассасаси	Гувоҳнома берган шахснинг имзоси _____	Гербли муҳри	
Соғлиқни сақлаш муассасаси	Гувоҳнома берган шахснинг имзоси _____				
Гербли муҳри					